



Ислом Нури

«Аллоҳим, бу ойни бизга омонлик, иймон, саломатлик ва ислом билан чиқаргин. (Эй ой,) менинг ҳам, сенинг ҳам Парвардигоринг Аллоҳдир», дердилар (Имом Термизий ривояти).

Талха ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам янги ойни кўрганларида: «Эй Аллоҳ! Бу ойни бизга омонлик, иймон, саломатлик ва ислом билан чиқаргин. (Эй ой,) менинг ҳам, сенинг ҳам Парвардигоринг Аллоҳдир», дердилар (Имом Термизий ривояти).

Шарҳ:

Рамазон рўзаси Аллоҳ таоло муайян вақтга белгилаб қўйган ибодатдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу хусусда ғулув кетишдан ва эҳтиёт юзасидан бир-икки кун олдиндан рўза тута бошлашдан қайтарганлар. Чунки бундай қилиш чуқур кетиш ва Аллоҳ белгилаб қўйган ҳад-ҳудудларга тажовуз қилиш бўлади.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Рамазонга олдиндан 1-2 кун рўза тутган ҳолда кирилмайди, фақат кишининг одатда тутаётган рўзасига тўғри келса зарари йўқ;
2. Рўза янги ойни кўриш билан ёки Шаъбонни 30 кун қилиш билан бошланади;
3. Ҳилолни кўрган пайтда махсус дуони ўқиш мустаҳаб.